

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (11.173)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**БУГУНГИ КУНДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН МУХТАШАМ ИМОРАТУ ҲАР ҚАНДАЙ ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАРНИНГ, ТУРАР-ЖОЙЛАРНИНГ КЎРКАМЛИГИ, ЧИРОЙИ ВА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЛЮМИН, АЛЮМИН-ПЛАСТИК ЭШИК, РОМ ВА ВИТРАЖЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДАКИ, АЙНИҚСА БУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАНИ БУЮРТМАЧИ ҲАМДА ХАРИДОРЛАРГА КЎЛ КЕЛМОҚДА.**



### Тадбиркорлик

## БҮЮРТМАЛАР СИФАТЛИ АДО ЭТИЛМОҚДА



Ана шундай тадбиркор жамоалардан бири «ZAZO» хусусий фирмаси 2004 йилда ташкил этилиб, фаолиятининг илк даврида улгуржи савдо-сотиқни амалга оширган. Юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган юксак эътибор, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ишбилармонларни янги йўналишда ҳам ишлашга рағбатлантирди. Натижанда улар кенг кулашдаги бунёдкорлик ишларига муҳим ҳисса қўшиб, сифатли ва замонавий қурилиш ашёлари тайёрлашни мақсад қилиб жорий йилда янги цех очилди.

— Аввалига бир неча уста билан фаолият бошлаган хусусий корхонамизда ҳозирга келиб 20 нафар киши иш билан таъминланган, — дейди хусусий корхонанинг етакчи менежери Марат Абдулов. — Уларнинг кўпчилиги Россия, Қозғистон, Хитой давлатларида малака ошириб қайтишган ва ўз хунари сир-асрорларини мукамал билишадиларидан фойдаланиб, алюмин-композит эшик, ром ва витражларни буюртмага кўра тайёрлаб берамиз. Энг муҳими эса уларни ясаш ва ўрнатиш жараё-

нида сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Мутахассисларимиз буюртмаларни ўз вақтида тайёрлаб ҳамда керакли муддатда ўрнатиб ҳам беришади. Шунингдек, -офис ва хонадонлар учун жалюзилар ҳам тайёрлаб бериш имкониятига эгамиз.

Ишлаб чиқарувчилар буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотни турли ҳажм ва кўринишда, исталган рангда тайёрлашади. Буюртмалар маҳсулуси автомашиналарда манзилларига элиб, ўрнатиб берилади. Бу борада, айниқса ишлаб чиқарилаётган замонавий маҳсулотлар сифатини таъминлашда Абдукомил Қаюмов, Нодир Болтахонов, Шерзод Мухамедов, Меҳром Шарипов, Одил Мухаммадсалимов, Ҳожиаббар Исломов сингари малакали усталарнинг маҳоратини таъкидлаш ўринли.

Хусусий корхона жамоаси келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий дастгоҳлар келтириш, ички бозорни тинмай ўрганиш асосида маҳсулот турларини кўпайтириш, дизайнга эътибор қаратишни режаларган. Албатта, Ёшлар йилида улар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш, яхши шогирдлар етиштириб чиқариш ҳам кўзда тутилган. Хар қандай шароитда ҳам тадбиркорлар сифат маҳсулот тайёрлашда беш мезон эканлигини ёдда тутишади. Шу боис бўлса керак буюртмачилар сафи ортиб, ишлар жадаллашиб бормоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА: айна кизгин паллада усталарнинг кўли кўлига тегмайди.**

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Қ.С.БАКИЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Курманбек Солиевич, Атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти — оғир жудодлик тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим.

Чингиз Айтматов воқеликни бадий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-туйғуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига ҳамisha дўсту қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди.

Марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳам-дардлик сўзларимни етказишимизни сўрайман.

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЁШЛАР — ЮРТНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БРЮССЕЛДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ВА УНИНГ ДОИРАСИДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА ЁШ АВЛОДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Иштирокчилар эътиборига, жумладан, «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборот ҳавола этилди.

Бельгия сиёсий доиралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Европа Иттифоқи, Европарламент, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия ва колажхоналари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори Акмал Саидов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда «Ёшлар йили» дастури доирасида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқий базани мукамаллаштириш, янги оилалар, ёш фермерлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги истеъодларни аниқлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбир иштирокчилари эътиборига, мамлакатимизда ёшлар масалалари билан шуғулланувчи қўллаб-қувватловнинг фаолияти, шунингдек, ёшларга тахсил бериш ва қайта тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган турли давлат дастурлари ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Анжуман хусусидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Европа халқаро муносабатлар институти етакчи эксперти Пьер-Эммануэл Томанн Ўзбекистонда ёш авлод давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганига эътибор қаратди.

— 29-30 май кунлари мен Тошкентда бўлиб ўтган хавфсизлик масалалари бўйича халқаро конференцияда қатнашдим. Сафар доирасида турли таълим муассасаларида бўлиб, юртингизда ушбу соҳага юксак эътибор кўрсатилаётганига гувоҳ бўлдим. Ёшлар — ҳар бир юртнинг келажаги. Шу боис Ўзбекистон раҳбариятининг жорий йили мамлакатда «Ёшлар йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори ниҳоятда муҳимдир. Бинобарин, айнан ёшлар мамлакатни халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлайдиган қудратли кучдир, — деди эксперт.

«Европа авлодлари» лойиҳаси координатори Мария-Хелен Кусак хоним ҳам Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларга юқори баҳо берди. «Ўзбекистондаги ёшлар таълим олиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун энг қўлай шароитлар яратиб берилган, — дейди у. — Мамлакат раҳбарияти томонидан мазкур соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор юртингиз келажаги ёрқин бўлишини кафолатлайди».

Брифинг доирасида «Ёшлар йили»га бағишлаб Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан тайёрланган «Келажакка интилиб» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

**Азим МУҲАМЕДЖОНОВ,**  
**«Жаҳон» АА,**  
**Брюссель.**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Тошкентда «Ўзбекистонда ўрта махсус ва касб-хунарга йўналтирилган таълим масканларида малакали кадрларни тайёрлаш муаммолари ва истиқболлари» мавзусида бизнес-форум ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Британия Кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида, БМТ лойиҳаси асосида ташкил этилди.

●Хоразм вилоятининг барча туманларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган семинарлар ўтказилди. Семинарларда касб-хунара коллежларини битирган, тадбиркор бўлиш истагида юрган ёш йигит-қизларга банкларнинг имтиёзли микросармояларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

●Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида театр ва кино рассоми Юсуф Гусейнов ижодига бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди.

●Бобур номидаги Андижон вилояти мусикали драма театрида «Ниҳол-2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

●Сурхондарё вилоятида кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга бағишланган хайрия ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сароисиё, Кумкўрган, Узун, Денов ва Қизирек туманлари бўлимлари маблағлари ҳисобига 28 та оилга йирик шохли қорамол топширилди. Шўрчи туманида эса муҳтож оилаларга биттадан сигир берилди.

●Бухоро шаҳрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурига мувофиқ «Инсон ҳуқуқлари—бола ҳуқуқлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

●Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида «Fikintex Andijon» номи Малайзиянинг шўба корхонаси иш бошлади. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу корхонада юз фоиз пахта толасидан пайпоқлар ишлаб чиқарилади. Корхона қуввати ойига 40-50 минг жуфт пайпоқ чиқаришга мўлжалланган бўлиб, унинг ишга туширилиши билан 40 нафар аёл доимий иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

●Янги сайланган Сербия парламентининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда депутатларнинг ваколатлари тасдиқланди. Биринчи мажлисдан сўнг депутатлар 90 кун мобайнида Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш керак. Агар депутатлар ҳукумат таркиби бўйича бир қарорга кела олмаса янги-дан сайлов ўтказилади.

●Ирландияда Лиссабон битимини қабул қилиш юзасидан умумхалқ референдуми бўлиб ўтади.

●Германия ҳукумати энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун қабул қилди. Бундан қўзланган асосий мақсад 2020 йилга бориб табиати захарловчи карбонат ангидрид газининг ҳавога чиқишини 36 фоизга камайтиришдан иборат.

●Кеча Косово парламенти депутатлари кўпчилик овоз билан мамлакатнинг миллий гимнини қабул қилдилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу гимн матнсиз бўлиб, фақат мусикадан иборат.

●Кеча кинотда АКШ астронавти «Дискавери» космик кемаси корпусининг ҳолатини текширдилар.

●Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган навбатдаги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 136,38 долларга кўтарилди.

●Италияга Америка Президенти Жорж Бушнинг ташрифи муносабати билан Римда хавфсизлик чоралари кескин кучайтирилди.

●Париж жамоатчилик транспортни бошқармаси шаҳар метросига электр энергиясини кам сарфлайдиган, экологик талабларга жавоб берадиган янги поездларни топширди. Ушбу вагонларнинг эшиклари автоматик тарзда очилиб-ёпилади.

●Канада ҳукуматининг 2011 йилгача Афғонистонга қўшимча 550 миллион АКШ доллари миқдорда бегараз ёрдам пули бериши тўғрисида мамлакат ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Дэвид Эмерсон маълум қилди.

●Бугун Францияда иш жойларининг қисқартирилишига норозилик сифатида матбуот соҳаси ходимлари иш ташладилар. Шу тариқа бугун Францияда газеталар чоп этилмади. Уларни интернет тизими орқали ўқиш мумкин бўлади.

●Туркиянинг Истамбул шаҳрида транспортнинг янги тури кеча-ю кундуз ишлайди. Денгиз таксиси шу йил 27 августдан миҳозларга хизмат кўрсата бошлайди. Такси йўловчиларни Босфор бўғозидан 24 та пунктга элтиб қўяди. Йўл ҳақини нақд пулдан ташқари кредит карталари орқали ҳам тўлаш мумкин.

●Стокгольмдаги Швеция технологиялар қироллик институти олимлари япониялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда наноқоғоз яратишди. У чўндан ҳам мустаҳкам бўлиб, бу борада фақат пўлатга биров йўл беради. Кимёвий таркибига кўра наноқоғоз анъанавий қоғоздан фарқ қилмайди ва махсус технология асосида оддий ёғочдан тайёрланади.

## Каска сатрларда

● **КЕЧА** Учтепа туманида туман ҳокимлиги, туман ҳудудий тиббиёт бир-лашмаси ва бошқа ташкилотлар хомийлигида қайта таъмирланган 26-оилавий поликлиниканинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек туманидаги 212-мактаб қошида очилган ёзги болалар оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

● **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истроҳат боғида иккидорли ёшлар ўртасида ташкил этилган «Ниҳол» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент Молия институтига ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни етук фуқаролар этиб шакллантиришга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги «Яккасарой»

спорт мажмуасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ёзги оромгоҳларга спорт анжумлари топширилди.

● **КЕЧА** шахримизда банк соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир банк ва молча хизматларини ислоҳ этиш масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** шахримизда Репродуктив саломатлиқни

асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишлаб уюштирилган анжуманда шифокорлар, шахримиздаги тиббиёт коллежлари ўқитувчилари иштирок этишди.

● **КЕЧАДАН** Республиканинг техник амалий спорт турлари мактабида пневматик милтиқдан оқ утиш бўйича Ўзбекистон чемпионатига старт берилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## Шаҳар сайлов комиссиясида

### БАРЧА СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Илгари маълум қилинганидек, Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим депутатларининг ваколатлари мuddатидан аввал тугатилганини инобатга олган ҳолда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига мувофиқ жорий йилнинг 29-июнь кунини 9-Салар, 16-Хумоюн (Мирзо Улугбек тумани), 23-Тансиқбоев (Собир Раҳимов тумани), 34-Авиасозлар (Хамза тумани) ва 45-Фуркат (Шайхонтоҳур тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилди.

Қайд этилган кунун ҳамда шаҳар сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тақвим режасига мувофиқ тегишли сайлов округ

комиссиялари тузилиб, ўз ваколати доирасидаги вазифаларни бажаришга киришди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига асосан шаҳар Кенгаши сайловда номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари эга. Шу кунгача шаҳар сайлов комиссиясига бўлажак сайловда иштирок этиш юзасидан барча сиёсий партиялардан ариза келиб тушган. Шаҳар сайлов комиссияси йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабига мос эканлиги кўриб чиқилиб, барча сиёсий партияларга бўшаб қолган ўринларга ўтказилади-

ган сайловда иштирок этишга рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Адолат» Социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий демократик партияси.

Тегишли қонунда белгиланган муддатларга асосан сиёсий партияларнинг шаҳар органлари томонидан эндиликда шаҳар сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар бўйича маълумотлар тақдим этилиши лозим.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# Инсон ва қонун

Ана шу мақсадда Тошкент Давлат юридик институтида ҳам талабаларнинг дарслардан бўш вақтларида ўз маҳорат ва билимларини ошириб боришлари учун 2002 йил сентябрь ойидан бошлаб ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи «Юридик клиника» фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу клиниканинг асосий мақсади юридик институтида тахсил олувчи талабаларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бора-сидаги малакаларини ошириш, талабаларни фуқароларни ҳуқуқий масалаларда ҳимоя қилиш борасидаги машғулотларга жалб этиш ва айнан ана шу масалаларда пуллик масла-хатлар олмагач имконияти бўлмаган фуқаро-ларга бепул хизмат кўрсатишдир. Ушбу юри-дик клиника (маслаҳатхона) инсон ҳуқуқлари

поймол этилишининг олдини олиш юзасидан маҳаллий қонунчилик доирасида фаолият кўри-тади.

Юридик клиникада асосан талабалар назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бир каторда амалиёт ҳам ўтайди. Бу ерда му-тахассислар талабаларга маҳаллий ва халқа-ро қонунлар, ҳужжатлар ҳамда ҳуқуқий мей-ёрлар билан ишлаш, улардан фойдаланиш ва микозлар билан мулоқот қилиш борасида сабоқ берадилар.

Ҳуқуқий маслаҳат сўраб келган микоз бил-лан аввало, офис иш бошқарувчиси ёки мас-лаҳатхона ҳуқуқшуноси суҳбатлашади. Агар микоз жиддий маслаҳатга мўтож бўлса маз-кур шахс учун махсус иш очилади. Шундан

## АМАЛИЁТ — МАҲОРАТ МАКТАБИ

ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАҚАТИНА НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАСЛИКЛАРИ УЧУН УЛАРГА ҲУҚУҚ ИЙЛИНИНГ МАЪЛУМ БИР ВАҚТИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БЕГЛИНАДИ. УЛАР АМАЛИЁТ ВАҚТИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН Йўналишлари бўйича малакаларини ошириб келгуси меҳнат фаолиятларига тайёрланиб борадилар.

сўнг бу иш талабалардан иборат гуруҳлар-дан бирига топширилади. Ушбу гуруҳ бел-гиланган мuddат ичида ишни керакли қонун ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараёнлар клиника ҳуқуқшуноси назорати остида олиб борилади. Талабалардан иборат гуруҳ бир хулосага келган, микоз билан учрашув белгиланади. Микозга керакли ҳуқуқий маслаҳатлар бе-рилади ва йўл-йўриқ кўрсатилади. Ҳозирги кунга қадар мазкур юридик клиникага тўхтўз юздан ортиқ фуқаролар ҳуқуқий масалалар бўйича муурожаат этган бўлиб, уларнинг иш-лари озаки ва ёзма (шахсий иш очил) тар-тибда олиб борилади. Клиниканинг фаоли-яти ТДЮИ раҳбарияти томонидан назорат

қилиб борилади ва ҳар ойнинг маълум бир кунинда маслаҳатхона ходимлари ТДЮИга қилинган ишлар юзасидан ҳисобот топши-ради.

Юридик клиникада амалиёт ўтаган талаба-ларга амалиёт бўйича махсус сертификатлар топширилади. Юридик клиника томонидан берилган ушбу сертификат талабанинг ўз му-тахассислиги бўйича бошланғич маҳоратга эга эканлигини далилат беради. Амалиёт ёш кад-рларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича олдиндан кўникмаларни шакллантиришга ва кейинчалик ўз меҳнат фаолиятларида ҳеч бир қийинчиликсиз иш юрита олишларига замин яратлади.

Зарина Жўрабоева

## Иқтисодиёт

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ, МАҲСУЛОТ ХАРИДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.**

Мирзо Улугбек туманида фаолият кўрсатаётган «Таб-риклар дунёси» масъулияти чекланган жамияти тадбир-корлари ҳам Япониядан келтирилган «Сапон» рангли ра-қамли тезкор матбаа дастгоҳи асосида маҳсулотлар тай-ёрлашни йўлга қўйган. Корхонада буюртма асосида тай-ёрланаётган таклифнома, табрикнома, турли хил открит-калар чиройли дизайни, сифати билан ажралиб туради. Бойси, улар маҳсулот тайёрлашда сифатли хом ашёдан фойдаланишади.

— Бугунги кунда кичик корхонамизда 5 киши иш билан банд бўлиб, уларнинг диққат-эътибори буюртмаларни та-лаблар даражасида бажаришга қаратилган, — дейди корхо-на раҳбари Олег Евман. — Айниқса, Европа андозлари даражасида тайёрланаётган конвертли откриткаларимиз, юртимизнинг миллий ҳамда касб байрамлари муносабати билан буюртма асосида ишлаб чиқараётган табрикномала-римиз дизайни билан ажралиб туради. Бугун республика-миз бўйича харидорларга эгамиз ва ҳар бир буюртмани удалашда талаб ва таклиф асосида иш юритамиз.

Тадбиркорлар буюртмалардан келиб чиқиб, келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, маҳсулотлар турлари-ни кўпайтиришни кўзда тутишмоқда. Уларнинг ранг-ба-ранг маҳсулотлари ҳар қандай буюртманинг талабини қондира олади. Бунинг учун эса моҳир расом дизайнер-лар тинмай изланишади.

**БОЗОРНИ ЎРГАНИБ**

**БОЗОРНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ОШИРА БОРИШ ХАРИДОРЛИНИ ЖАЛБ ЭТИШДА, ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.**

Хусусий тадбиркор Виктор Казанцев изланишлари асо-сида тайёрланаётган қолбаса ва гўшт маҳсулотларининг тури бугунга келиб 200 хилдан ортиқчи ташкил этмоқда. Улар орасида дулдунган, ярим дулдунган, қайнатиб пи-ширилган қолбаса, сосиска ва гўшт маҳсулотлари сифати, мазаси ва қадокланиши билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Хусусий тадбиркор 2003 йилда иш бошлаган. У маҳал-лий хом ашёдан самарали фойдаланади. Ўтган йилда у яратган 10 турдаги қолбаса ва гўшт маҳсулотлари пойтах-тимиз дўконлари орқали харидорларга етказиб берилди.

Шаҳримиздаги «ГеоМАХ» масъулияти чекланган жамия-ти қошида фаолият кўрсатаётган ва ўз изланишлари бил-лан корхона ривожига муносиб ҳисса қўшаётган хусусий тадбиркор Виктор Казанцев айни кунларда аҳоли дастур-хонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин-лаш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Унинг изланишлари «ГеоМАХ» савдо белгиси билан тайёрланаётган маҳсулот-ларда ўз аксини топмоқда. Ҳозирда корхонанинг пойтах-тимизда 10 га яқин фирма дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

**ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ**

**ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР ЭДУАРД СЕДИХНИНГ ИШ БОШЛАГАНГА ҲАЛИ БИР ЙИЛ ТўЛГАНИ Йўқ. ЛЕКИН У ТАЙЁРЛАГАН ЧАРМ ПОЙАБЗАЛЛАРИ ИЧКИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИР БўЛИБ БОРМОҚДА.**

— Корхонамизда 10 та пойабзалчи иш билан таъмин-ланган бўлиб, улар ўз касбининг усталари саналади. — дейди тадбиркор Эдуард Седих. — Ўтган қисқа давр ичи-да Туркиядан келтирилган дастгоҳ ва ҲХХлардан оқило-на фойдаланиб Россия, Италия ва маҳаллий чарм хом ашёсидан 50 хилдан зиёд эркак ва аёллар оёқ кийимла-рини тайёрлашга эришдик. Уларнинг хориж каталоглари асо-сида ишлаб чиқарилди. Қўришни, мустаҳкамлиги, сифа-ти билан импорт ўринини боса олади.

Тадбиркорлар жорий йил охиригача яна 15 турдаги янги пойабзал моделларини яратиш устида ишлашмоқда. Улар орасида турли хил аёллар этиклари бор. Россиялик ҳам-корлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётган пойабзалчилар келгусида ўз товарларини фақат ички бо-зорга чиқариб қолмай, экспорт қилишни ҳам режалаб туришибди. Албатта, улар яқин кунларда ўз фирма дўкон-лари бўлишини ният қилишган. Мўҳими эса чидамлилиги ва сифатига кўра четдан келтирилган оёқ кийимлари бил-лан рақобатлаша оладиган турли хил пойабзаллар уларга нисбатан арзонлиги билан афзалдир.

Шарофат БАХРОМОВА

**ҲАШАР КўТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ**

**ТОШКЕНТ БОТАНИКА БОГИДА “СО, ИЗМИДАН ХАЛОС БўЛИ АТРОФ-МУҲИТГА УГЛЕРОД ҚИЧИШНИ КАМАЙТИРУВЧИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ ЙўЛ” ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР ҲАШАРИ БўЛИБ ЎТДИ.**

Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини му-носабати билан ташкил этилган ҳашарда Тошкент АҲбо-рот технологиялари университети ҳамда Тошкент тиббиёт педиатрия институтида тахсил олаётган беш миңдан зиёд талабалар иштирок этди.

Ҳашарда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Бақиржон Ходжаев, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдурашид Алтиев ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳашарнинг нафақат табиятнинг му-ҳофаза қилишда, балки ёшларни билаштиришда ҳам му-ҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

— Ботаника боғи тўрт миңдан зиёд жуда ноёб ўсим-ликлар дунёсига эга бўлиб, улар Шарқий Осиё, Шимолий Америка, Европа, Узоқ Шарқ, Марказий Осиё ва Кавказ-дан келтирилган, — деди боғ директори Ҳамро Нуралиев. — Боғдаги дарахтлар ҳавонинг тозаллиги ва зарарли модда-ларнинг камайишига ёрдам беради. “Экосан”нинг бугун-ги ташаббусидан бошимиз осмонга етди. Бу галги ҳашар аввалгиларидан фарқли ўларок самарали бўлди.

Хусусан, “Узқурилишматериаллари” томонидан берил-ган цемент, Тошкент лак-бўёқ заводи ажратган бўёқ бо-ғнинг кираверишини панжага ва ҳовуз атрофини таъмир-лашга ишлатилди. “Ўзбекэнерго” компанияси тизимдаги ЦРП заводи ва “Узнефгазқурилишвест” ясаб берган олтиш дона ўриндик ва эликтика қиндикни қўйилари боғга ташриф буюрувчилар учун янада қўлай шароит яратди.

— Яширмаймиз, биз бугунги ҳашарга ўз ҳошимиз бил-лан келмагандик, аммо бу ерда ишлаётганларни қўриб ро-сти фикримиз ўзгарди, — дейди ўн километрик йўлга-ларда ўриндик ва қиндикни қўйилари урнатаётган Тош-кент тиббиёт педиатрия институтининг бир гуруҳ талабала-ри. — Бор шикоятимизни ишга солиб чин юракдан ишла-ямиз. Бундай жисмоний меҳнат соғлиққа ҳам фойдали.

Умуреспублика ҳашари барча вилоят, шаҳар ва ту-манларда ҳам ана шундай кўтаририлмақда ўтказилди.

Рахшона ТОШПўЛАТОВА, “Тошкент-пресс”

### Туманларда

#### ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙўЛИДА

**ЮРТИМИЗДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МАЪМУН-МОҲИЯТИНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИШДА СОҲА ХОДИМЛАРИ ҚАТОРИДА АДВОКАТЛАР ҲАМ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАЛАР.**

Чилонзор туманидаги I-ҳуқуқий маслаҳатхона мудири Шухрат Фай-зиев бу ҳақда шундай дейди.

— Республикада олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш ишларига бизнинг туман адвокатлари томонидан ҳам катта аҳамият берилмоқда. Мақтаблар, лицейлар ва маҳаллаларда ўқувчи ёшлар ўртасида жиноят-чилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг бўш вақт-ларини унумли ўтказиш ҳамда ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида мутахассис маслаҳатчини олишга қаратилган учрашув ва анжуманлар ўтказилмоқда.

Бу борада адвокатлардан Гулбахор Мирзаева, Дилдора Абдуллае-ва, Халидахон Жамолова, Жўрабой Файзуллаев, Собир Раупов, Шеро-захон Юльчиевалар томонидан «Дўмбробод» маҳалласи, 9,17,15, 22-дахалларда ўтказилган совил-жавоб кечалари айниқса ота-оналар, воя-га етмаган ёшлар ўртасида катта таассурот қолдиргани билан эъти-борга моликдир.

Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос



Шайхонтохур туманидаги «Чакар» маҳалласида жойлашган 363-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Ёркин Рўзमतов ва Равшан Шорахимова билан сўбат қилишди. Сўбатда «Чакар» маҳалласи ҳудудидаги 363-таянч пункти профилактика инспектори Равшан Шорахимова болажонлар билан сўбат ўтказмоқда.

Алексей Попов олган сурат

## СОЛИҚ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ, ИСТЕМОЛ БОЗОРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТДАН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТГА ҚўШИЛИШИ ЮЗАСИДАН МУҲИМ ҚАДАМЛАР ҚўЙИЛДИ. БУ БОРАДА ДАВЛАТНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ, СОЛИҚЛАРИНИ РОЛИ КАТТА АҲАМИЯТГА МОЛИК БўЛДИ. ЗЕРО, ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ДАВРИДА СОЛИҚЛАР, ЙИГИМЛАР ВА БОЖХОНА ТўЛОВЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҲАМДА ТўЛА АМАЛГА ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИНИ ВУЖУДА КЕЛТИРИШДА МУҲИМ РОЛЬ ўйнайди.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида бориш шунингдек, ҳақиқий рақобат муҳи-тини шакллантириш, молия ва банк тизим-лари фаолиятини такомиллаштириш, ташки иқтисодий фаолият ва валюта бозорини ташкил этишнинг бутун тизимини қайта қўриб чиқиш, корхоналар ҳўжалик фаоли-ятига давлат, турли текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг аралашувларини че-клишни англатади.

Эркинлаштириш Ўзбекистон Республика-сининг солиқ тизимига ҳам муқарраб ра-вишда таъсир кўрсатади.

Солиққа доир халқаро келишувларни (битимларни) тузиш чоғида даромадларга икки томонлама солиқ солишни баргараф этиш ёки энг кам даражага келтириш асо-сий мақсад ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадлари учун хорижий юридик шахсининг доимий муассасаси де-ғанда бюорлар, идоралар, агентликлар, та-биий ресурсларга ишлов бериш, қурилиш ускуналарини ўрнатиш, монтаж қилиш, йи-ғиш, соғлаш, қараш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа ишларни бажариш бўйича кон-трактларда кўзда тутилган ишларни ўткази-ши билан боғлиқ ҳар қандай бошқа жой, шунингдек, вакиллик функцияларига вако-лати бўлган ташкилот ва фуқаролар тушу-нилади. Идоралар ва офислар билан бир каторда қурилиш майдончалари, шунинг-дек, йиғиш ва монтаж қилиш объектлари доимий муассасаларнинг энг кўп тарқалган турлари ҳисобланади. Хар бир қурилиш майдончаси ишлар бошланган пайдан бош-

лаб алоҳида доимий муассасани ташкил эта-ди деб қаралади. Бироқ оdatда солиққа доир амал қилувчи барча келишувларда белгиланишича, улар олдиндан белгилаб қўйилган вақтдан кўпроқ мавҳуд бўлсаги-на, қурилиш майдончаси, йиғиш ёки мон-таж қилиш объекти доимий муассасани таш-кил этади. Оdatда ушбу мuddат 12 ой қилиб белгиланади, лекин солиққа доир баъзи келишувларда бундан узоқроқ мuddатлар белгиланиши мумкин.

Агар хорижий юридик шахс бошқа дав-лат ҳудудида ўз фаолиятини жойини барпо этиш ўрнига у ерда ушбу давлат резиденти ор-қали фаолиятини ташкил этса, доимий му-ассаса мавжудлигини белгилаш учун бўйсун-надиган ёки мустақил агент концепцияси-дан фойдаланилади.

Агар хорижий юридик шахс бошқа дав-латдаги доимий муассаса орқали даромад олдса, ушбу даромад бошқа давлатда со-лиққа тортилади, лекин ана шу доимий му-ассаса фаолиятини қирадиган қисмидагина. Бунда ҳар бир давлатда бундай доимий ва-колатхона, агар у ана шундай шароитда шу сингари фаолиятини амалга оширадиган ва узи доимий муассасаси бўлган шахсдан му-лоқот мустақил ҳаракат қиладиган алоҳида корхона бўлган тақдирда олиши мумкин бўлган фойда тааллуқли бўлади.

Оdatда даромад (фойда) бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан олинган тушум, бошқа даромадлар билан хорижий юридик шахсининг доимий муассаса орқали

фаолияти билан бевосита боғланган хара-жатлар ўртасида фарқ сифатида бевосита усул билан белгиланади.

Доимий муассаса даромаднинг аниқла-да муассаса томонидан қилинган харажат-ларни чегиришга рухсат берилди. Бунда ҳужжатлар билан тасдиқланган хорижий юридик шахсининг ўзи билан бошқа давлат-даги доимий муассасаси ўртасида асосли тақсимлашга йўл қўйилади. Бундай тақсим-ланадиган харажатларга доимий муассаса жойлашган давлатда ҳам, хар қандай бо-шқа жойда ҳам қилинган бошқарув ва умум-маъмурий харажатлар, тадқиқот ва ривож-ланиш харажатлари, бошқарув маслаҳат бе-риш ёки техник кўмак бериш учун ва ҳоқа-золарга фойзалар ва тўлов кирди.

Шундай қилиб, доимий муассаса орқа-ли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида харажат қилувчи хорижий юридик шахс-нинг даромадини ҳисоблашда умумий фой-дан бўлакларга ажратишга асосланган тақсимлаш усулидан фойдаланилади. Бун-да ушбу муассасанинг тушумлари, хара-жатлари ва таркибига асосланган, жаҳон амалиётида фойдаланиладиган учта база-вий категориялар қўлланилади, лекин би-рон-бир усулнинг бошқа усулдан афзал-лигини эътироф этиб бўлмайди, чунки, масалан, қимматга тушувчи хом ашёдан товар ишлаб чиқарадиган ёки қиммат ту-рувиши иш кучини жалб этадиган корхона билан боғлиқ ҳолда фойда айниқса хара-жатлар билан энг кўп даражада боғлиқ бўлади.

Доимий муассасаларни солиққа торти-шинг асосий қондаларидан бири шундан иборатки, доимий муассасага таалуқли бўлган даромад, агар уни ўзгаришчи учун жуъли сабаб бўлмаса, хар йили биргина усул билан белгиланиши керак. Солиққа доир халқаро келишувларда бу қоида амал-да хар доим таъкидланади.

Агар хорижий юридик шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатувчи деб эътироф этилмаса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромад-ларини солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жой-лашган манбалардан даромад оладиган хо-рижий юридик шахслар тўлов манбаи да-ромадларига доир солиққа тортилиши ке-рак. Ўзбекистон Республикаси манбалари-дан олинмадиган даромадларга, хусусан, қуй-идагилар кирди: хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардаги улушбай иштирокдан дивидентлар, фойзалар, даро-мадлар, муаллифлик ҳуқуқлари, лицензия-лар, ижара, фрахт ва ҳоқазолардан фойда-ланиш даромадлари.

Оқорида таъкидлангандек, солиқ соҳа-сидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий ма-қсадларидан бири икки томонлама солиқ со-лиқини баргараф этишдан иборат, икки то-монлама солиқ солишдан қочиш хусусида-ги шартномаларни тузиш чоғида, у хусу-сан, шунда фойдаланадиган, ахдлашувчи давлатлар бошқа давлат ҳудудида хорижий юридик шахслар томонидан у ерда жой-лашган доимий муассасалари орқали олин-ган даромади (фойдаси)гина солиққа тор-тилишини келишиб оладилар.

Абдумалик КАҲРАМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ва оила манфаатлари муҳофазасини қучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаро-ларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий тарғибот самарасини оширишга бағиш-ланган мақолалар сифатини ошириш, мазмун-моҳиятини бойитиш йўлида ОАВ журналистлари ўр-тасида кўрик-танлов эълон қилинди. Қуйида ушбу танлов Низом ва қоидалари чоп этилмоқда.**

### “Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида” кўрик- танлови НИЗОМИ

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**
1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг моҳи-яти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқлик тилда еткази-риш, адлия тизими томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалти-риш йўлида амалга оширилаётган тадбирларнинг марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда ин-тернет саҳифаларида сифатли ёритилиши ва мазмундорли-гини ошириш мақсадида ушбу кўрик-танлов журналистлар учун эълон қилинмоқда.
2. Танлов хайъатига ҳуқуқшунослар, телевидение ва радио ҳамда интернет журналистикасида тажрибага эга бўлган жур-налистлар ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзолари кирадилар.
- II. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**
3. Адлия вазирлигининг совринлари қуйидаги мезонлар-га кўра берилади:
  - а) ёритилаётган масалаларнинг иқтисодий-ҳуқуқий аҳами-ятини ошчи даражаси ва унинг мазмуни;
  - б) материалнинг мавзуда доир ва тушунарли берилиши;
  - в) материалнинг жозибадор ва ўзига хос берилиши;
  - г) материалларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг аҳамиятини кенгроқ очиб берилиши;
  - д) тизим таркибига кирувчи муассасалар томонидан амал-га оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси таҳлили;
  - е) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқлик тилда етказиш.
4. Хар бир материал беш балли рейтинг тизими бўйича баҳоланади.
5. Тақдим этилган материаллар миқдори (камиди 2 та) бўли-ши шарт.
- III. НОМИНАНТЛАР ВА НОМИНАЦИЯЛАР**
6. Танлов натижалари хайъат томонидан 2008 йил 10 де-кабрда чиқарилади.
7. Танловда номинантлар исталган мулкчилик шакли ва ҳудудий жойлашувиди (туман, шаҳар, вилоят ва республи-ка) оммавий ахборот воситаларида ишловчи Ўзбекистон жур-налистлари бўлиши мумкин.
8. Совринлар тўрт йўналиш бўйича таъсис этилади:
  - а) “Энг яхши телевазъа”;
  - б) “Энг яхши радиоишқитириш”;
  - в) “Энг яхши мақола”;
  - г) “Энг яхши интернет материал”.
 Бундан ташқари, рағбатлантирувчи совринлар тақдим эти-луви номинантлар ҳам назарда тутилган.
9. Қуйидаги кўринишда тақдим этилган материаллар но-минантларни аниқлаш учун ахборот бўлиб хизмат қилади:
  - а) Тележурналистлар: исталган видеоусулда олинган (хар бирининг давомийлиги 3 дақиқадан 15 дақиқача) видео-материалларни жўнатишлари зарур, рангли форматда бўлган махбۇл;
  - б) Радиожурналистлар: аудиокассета ёки CD га ёзилган (хар бирининг давомийлиги 5 дақиқадан 15 дақиқача) аудио-материаллари;
  - в) Босма нашрлар: танловда берилган материал босиб чи-қарилган ҳар бир даврий нашр нусخаси (ёки кўчирма нуса-си)ни;
  - г) Интернет: сайтини кўрсатиш, эълон қилинган материал-ларнинг қозғога чиқарилган ва CD электрон ташувчиси ёки дискетага ёзилган нусхасини топшириш.
 Барча материалларга муаллиф ҳақида қисқача маълумот: Ф.И.Ш., касби ҳақида қисқача маълумот (резюме), манзили, боғлиқи учун телефон рақами, паспорт маълумотларини ило-ва қилиш лозим.
10. Танловга 2008 йилнинг 1 июнидан 1 декабрини баҳолан-ган даврда газеталар, журналлар ва интернет-нашрларда эълон қилинган, рус, ўзбек ёҳуд қорақалпоқ тилидаги материаллар,

телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзил-ган видео ва аудиокассета вақтинчалик тақдим этиш зарур.

#### IV. ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

11. Журналистлар барча материаллари Адлия вазирли-ги Ахборот хизматида “Адлия идоралари ОАВ нигоҳида” кўрик-танлови белгиси билан 2008 йилнинг 1 декабрини ба-тақдим этишлари зарур.

#### V. СОВРИНЛАР ВА УЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

12. Танлов эълон қилинган кундан бошлаб маз-кур танлов Низоми вазирлигининг “Инсон ва қонун” газетаси ва вазирлик веб-сайтида ([www.minjust-uz](http://www.minjust-uz)) ҳамда айрим марказий газеталарда жойлаштири-лади.
13. Адлия вазирлигининг совринлари қуйидаги ва-зирликлар ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида 2008 йилнинг декабрь ойи давомида ўтказиладиган якуний анжуманда топширилади.
14. Танлов фойдаланишига номинантлар бўйича қуйидаги совринлар тақдим этилади:
  - а) 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор;
  - б) 3 та иккинчи ўрин учун диктофон;
  - в) 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофони;
  - г) 1 та энг яхши интернет материал учун фотоаппарат.
15. Адлия вазирлигининг совринлари танлов хайъати-нинг қарори билан берилади.
16. Танлов фойдаланишига соврин ва тақдирланганликлари ҳақида пувоҳлик берувчи диплом топширилади.
17. Танлов совринлари ҳомийлар ҳисобидан жалб қили-нади.
18. Танлов якунлари тўғрисидаги маълумотлар респу-блика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.
- VI. МАХСУС ШАРТЛАР**
19. Агар бир неча номинант тенг миқдорда балл йиғса, фойлини танлашда хайъат раисининг овози хал қилувчи роль ўйнайди.
- Танловга оид қўшимча маълумот олиш учун муурожаат қилишнинг мумкин:**  
Адлия вазирлиги Ахборот хизмати  
Тел: (998-71) 233 - 39-84,



# ПОЙТАХТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ

**GERMANYANING BONN SHAХRIDAГИ АНЪАНАВИЙ «ЖАХОН МАДАНИЯТЛАРИ УЧРАШУВИ» ХАЛҚАРО ФОРУМИ ДОИРАСИДА «ТОШКЕНТ. ТАРИХ ВА БУГУН» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ПОЙТАХТИМИЗ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИ, ШАХАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ GERMANIYADAGI ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМДА «GERMANIYA — ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Тақдимот маросимида Германиянинг таниқли жамоат арбоблари, маданият ва илм-фан намояндalари, ГФРда аккредитациядан ўтган хоржий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Халқаро анжуман иштирокчилари ўзлари учун замонавий Ўзбекистонни кашф қилган ҳолда мамлакатимизда миллий маданиятни ривожлантириш, халқимиз тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини асраб-авайлашга юксак эътибор қаратилаётганидан далолат берувчи маълумотлар билан танишдилар.

Маълумки, юртимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кадрларни тарбиялаш, халқимиз тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини асраб-авайлашга юксак эътибор қўйган буюк олим ва арбобларимизнинг юбилейларини кенг нишонлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонлангани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йилнинг 2 апрелида қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юртимизда мазкур соҳада изчил сўбат амалга оширилаётганидан далолат беради.

Бонндаги тақдимот маросимида намойиш этилган юздан зиёд фотосурат маданий анжуман иштирокчиларига юртимиздаги кўплаб тарихий ёдгорликлар, халқимизнинг маданият ва меъморчилиги, Тошкентнинг замонавий ҳаёти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

Миллий давлатчилигимиз, юртимиз тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг аҳамияти беқиёсдир. Бинобарин, бу шаҳар жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ва ҳақи равишда «Шарқ дарвозаси» номини олган бўлиб, халқимизнинг фахру ифтихори ҳисобланади.

Юртимиз тарихининг турли давларини акс эттирган фотосуратлар Тошкентнинг кўҳна ва навқиронлигини, нафосати ва беқиёслигини алоҳида таъкидлайди.

— Ўзбекистонни, унинг бой ва кенг қиррали маданиятини яқиндан биламан, — дейди Германия-Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти Волфганг Шрайбер. —

Шу маънода 2007 йил 2 ноябрь кунин ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини мазкур нуфузли ташкилот иштирокида нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши айниқса, аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ва унинг пойтахти халқаро миқёсда юксак аҳамият касб этишидан далолатдир. Мен Ўзбекистон Президентини томонидан қабул қилинган Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарор билан атрофлича танишиб чиқдим. Шунинг таъкидлаши истардимки, юртингиз истиқлолга эришган даврдан бошлаб ўзбек халқининг маданий қадриятларини асраб-авайлашга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Тошкентнинг юбилейи жаҳон ҳамжамиятини халқининг бой мероси билан яқиндан таништириш учун яна бир яхши имконият бўлади.

— Германияда мана шундай ёрқин тадбирларнинг ўтказилиши жуда муҳим, — дея суҳбатга қўшилиди «Дойче Велле»нинг МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари бўйича дастури менеждери Кристоф Хила. — Бу каби анжуманлар турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмак беради. 2009 йилда ЮНЕСКО иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистон жаҳон маданияти тараққиётига кўшган ҳиссасининг яна бир эътирофи бўлди.

— Бугунги тақдимот маросими барча иштирокчиларга Тошкентнинг қадимий тарихи ва бугунги ҳаёти билан танишиш учун яхши имконият яратди, — дейди Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича федерал вазирлиги ходими Апель Эльке хоним. — Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивадаги улугвор ва гўзалликда бетакрор тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш асосида олган таассуротлар ҳар сафар қалбимга янги-янги туйғуларни бахш этади.

Шухрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА мухбири,  
Берлин

## «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ «ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ» ДОИРАСИДА БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ» ДЕКАДАСНИНГ ЯКУНИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА НАВБАТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» — «ЭКОСАН» САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИНИ ЮБОРДИ.

### «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак гилофлари, санитария-гигиена молларидан иборат инсонпарварлик ёрдами Сурхондарё вилоятининг барча туманлари, жумладан Тожикистон алюмин заводи салбий таъсир кўрсатаётган Сарюсийё, Узун, Денов туманларидаги ўқув ҳамда тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектларга, кам таъминланган ёш оилалардаги мактаб ўқувчиларига, боқувчисини йўқотган ёш оилалар аъзоларига, ногиронларга ва бошқа ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига топширилади.

Поездни кузатиш маросимида «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг раиси Юсуфжон Шодиметов таъкидлаганидек, жорий йилда республиканинг турли минтақаларига жами 12 та поезд ва автопоездлар юборилди. Улар орқали аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига 550 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилади.

Ешлар йилида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти республикамизнинг турли минтақаларидаги 15 мингта кам таъминланган ёш оилаларга, уларнинг фарзандларига, шунингдек, ўқув ва тиббиёт муассасаларига «ЭКОСАН» поездлари орқали керакли инсонпарварлик ёрдамларини юборишни давом эттиради. Навбатдаги автопоезд Хоразм вилоятига юборилди.

(Ўз мухбиримиз)

## Ёз — ўтмоқда соз

### ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲАМДА БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ДАМ ОЛДИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНING 2008 ЙИЛ 16 МАЙДАГИ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ 2008 ЙИЛ ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАВСУМИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДАГИ СЎЛИМ ГЎШАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИГА ҚОРАҚАЛПОғИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 2000 НАФАР ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ.

Кунин кеча «Жанубий» темир йўли вокзалда Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг пойтахт ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган болаларнинг «Меҳржон», «Гулбахор», «Белдирсой» соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун Оролбўйидан келган 380 нафар болалар тантанали равишда кутиб олинди. Қорақалпоғистонлик болаларни 2008 йил ёзги мавсумида илк бор кутиб олиш билан улар учун бу йилги дам олиш мавсуми бошланди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, 2008 йил ёзги мавсумда Тошкент шаҳар корхоналари, ташкилотлари тасарруфидаги 22 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида пойтахт меҳнаткашларининг ўғил-қизлари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчилари, касаб аъзолари болалар-ўсириллар спорт мактаблари ўқувчилари жами бўлиб, 42 минг нафар болани дам олдириш кўзда тутилган. Бунинг учун барча оромгоҳларда тегиш-

ли тайёргарлик ишлари амалга оширилди ва керакли шарт-шароитлар яратилди.

Оромгоҳларда мавсум давомида танглик ёзувчи, шоир, санъаткорлар билан учрашувлар, турли-туман танлов ва викториналар, спорт мусобақаларини ўтказиш кўзда тутилган.

(Ўз мухбиримиз)  
СУРАТЛАРДА: Оролбўйи ҳудудидан келган болаларни кутиб олиш тадбиринан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар



## Маданиятимиз дарғалари

### ҲОФИЗЛИК САЊАТИНИНГ ШОҲСУВОРИ



Машраб, Муқимий, Фурқат, Корий, Фазлий, Нодим, Хислат, Ҳувайдо, Мискин, Хуршид, Хайратий ва бошқа шoirлар ғазаллари билан айтди. Атоқли ҳофиз ижросидаги сара ашулалар маданий ҳаёт раванқи, муסיқий-ижрочилик санъатимиз тарихи зарварларидан сажий жойини эгаллаган.

Мулла Тўйчи ҳофиз ижросидаги «Ушшоқ», «Баёт», «Фигон», «Сегоҳ», «Гиря», «Чоргоҳ», «Илғор», «Сувора», «Кўча боғи», «Шаҳнози гулёр», «Таронаи дугоҳ», «Синаи хирож» ва ўйлаб бошқа ашулалар миллий кўшиқчилик ва ижрочилик санъатимизнинг бебаҳо намуналарига айлиниб қолган ва жуда кўп хонанда, ижрочи санъаткорлар учун ўзига хос намунавий дарс, ибрат мактаби бўлиб келмоқда. Мулла Тўйчи Тошмухамедов театр маданиятимиз, сахна санъатимиз, шунингдек, муסיқий драма, миллий асарларимиз дебюталари яратилаётган чоғларда ҳам ўз ижодкорлик фаолияти билан фаол қатнашган, драматург, композитор, халқ бастакорлари яратётган, айниқса XX асрнинг 10-20-30-йилларида «Заволди ватан ёхуд Туркистон», «Кичик аскар», «Халима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» каби муסיқий драма ва опералар яратилиши жараёнида, таниқли бастакорлардан Шораҳим Шоумаров, Пулат Раҳимов, таниқли

композиторлардан Толибжон Содиков, Виктор Успенский, Рейнгольд Глиэр, Георг Мүшел, Николай Миронов каби-ларга яқиндан ёрдам берган, халқ куйлари, мумтоз ашулаларнинг ўзига хос хазинабонидан улар кўп куй-кўшиқларни ёзиб олиб, яратилаётган спектаклларга яхши безак қилишган.

Мулла Тўйчи Тошмухамедов Ўзбекистонда Республика радиоси ташкил топаётган даврда ҳам фаолликлар кўрсатди, унинг қошида дастлабки хонандалар, ҳофизлар ансамбли юзага келишида жонбозлик қилди. Ўзбекистон давлат филармониясининг ташкил этилиши, фаолиятининг ривожланишида ҳам Тўйчи ҳофизнинг иштироки, ижрочилик фаолияти салмоқлидир. Машҳур халқ ҳофизи Фарғона, Лагон, Тошкент каналлари, «Чирчиқурилиш» каби халқ куриллишларида ҳам ўз санъати, кўшиқлари билан фаол қатнашди.

Машҳур халқ санъаткори, ажойиб хонанда 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати 10 кўнлигида ҳам ўз ноёб санъатини намойиш этди. Худди шу чоғларда Москвадаги овозни грампластинкага ёзиб олувчи студия Тўйчи ҳофиз ижросида 25 та кўшиқни ёзиб олиб, кенг тарғиб қилган эди. Тўйчи Тошмухамедов ўзининг ноёб иқтидорини, гўзал овозини, ҳузурбахш кўшиқларини хоржий юртларда ҳам, шунингдек, Россия, Хитой, бошқа Шарқ мамлакатларида намойиш этиб олқишларга сазовор бўлган. Уни айниқса Хўжанд, Ёрқентларда қизгин кутиб олганлар. Фурқат ғазалига ўзи куй пайванд қилиб ижро этган «Сайдинг кўйвер сайёд» ашуласи барчага манзур бўлган.

Мулла Тўйчи Тошмухамедов орамизда бўлганида ҳозир муборак 140 ёшга тўлган бўларди. Муסיқий маданиятимиз, ижрочилик санъатимиз, шашмақомнинг дурдона намуналарини, халқ кўшиқчилик санъатини кенг тарғиб этган ва буларнинг раванқига улкан хизматлар қилган Тўйчи Тошмухамедовга 1927 йилда Ўзбекистон Халқ ҳофизини унвони берилганди. 1968 йилда эса таваллудининг 100 йиллиги муносиб нишонланганди. Машҳур халқ ҳофизининг муборак номи Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги муסיқий драма ва комедия театрига берилган.

Тошкентдаги грампластинка заводи ва пойтахт кўчаларининг бирига ҳам атоқли санъаткорнинг номи берилган. Тўйчи ҳофиз ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб чоп этилган, видеофильм яратилган. Унинг ижросидаги умрбоқий мумтоз ва халқ кўшиқлари хали ҳамон радио ва телевидение орқали тараннум этилиб келинмоқда. Унинг кўшиқлари нафосат таратиб, замондошларимизга чинаям ва бебаҳо маънавий қадриятлар улашиб келмоқда. Бой маданий меросимизни ҳам халқлар орасида кенг тарғиб айлаб келмоқда. Унинг маданий мероси ижро этган кўшиқлари ёш ижодкорлар учун ўзига хос хазинадир.

Мулла Тўйчи Тошмухамедовнинг улкан хизматлари айниқса, мустақиллигимиз даврида юксак эъзозланиб, қадрланиб келмоқда. Хусусан, Президентимиз Фармони билан Тўйчи Тошмухамедовга «Буюк хизматлари учун» ордени берилиши ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,  
республика халқ таълими аълочиси, санъатшунос олим  
СУРАТДА: Тўйчи ҳофиз ўз сафдошлари даврасида (архив)



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Душмани жафосидан мудом қоч, эй дўст!  
Яхши кишиларга кучоғин оч, эй дўст!  
Одам санама, қўлингни юв ноқасдан,  
Меҳринг хунар аҳли бошидан соч, эй дўст!

На давлати дунёни ситамга арзир,  
На лаззати мастликни аламга арзир,  
На шодлиги дунёни неча минг йиллик —  
Ул бир неча кун меҳнату гамга арзир.

Ҳосил экканниқидир.

Ажал — умид ва умрнинг йўлида гирдоб.

Ҳеч бўлмагай кишики, дили ишқ ила тирик.

Тўғри кўргучи етар поклик ила мақсадга,  
Эгри кўргучи тушибдир тамаъи хом ичра.

Чаман атрофидан ел ўтганидек,  
Умрнинг кўклами ўтмоқда, эй ёр.

Беш кунлик умр вафоси афсонаю хаёлдир,  
Инсонга яхшилик қил, фурсат ганимат, эй ёр.

Чин киши кўзга чалинмас — олам ичра истама,  
Ўзга одам, янги олам қайтадан тузмोक керак!

Бўлма бадбин — ғамзада кўнлинг иши ўнглангуси,  
Тоабад ташдolini бош қолмас паршон, ғам ема!

Ақл кўзи била боққил бу фитна оламига,  
Жаҳон ила бу жаҳон ишлари жадал ва шитоб.

Тўғри кўргучи етар поклик ила мақсадга,  
Эгри кўргучи тушибдур тамаъи хом ичра.

Бўл эҳтиёт, инонма, бу оламда йўқ сабот,  
Ҳар дамда ўзгарувчи бир ишхона бу жаҳон.

Кўнгилни айлагил бир лаҳза хурсанд,  
Садафда доимо бўлмайдиган гавҳар.

Дунёда ҳеч машаққат, азоб тортмайин десанг,  
Аҳдинда тур, сўзингни ботирма захар аро.

Кўлим кучсизлигидан шод эрурман:  
Етишмас бир кишига мендан озор.

Сен ишонгил, ғам ема, сабр айла, эй дил, оқибат  
Шомдан тонг, кечадан кундуз келур, қишдан баҳор.

Ногаҳон ғам келса сенга, ўзни тут — бўлма тажанг,  
Шукр қилқил, токи баттарроғига бўлма дучор.

Ширин ҳосил берур — дўстлик дарахтин ўтқаз, эй инсон,  
У душманлик низолин юлки, бергай ғам, алам, армон.

Сен ганимат англағил парвонанинг васлини, шамъ,  
Бил, қуёш чиққач, бу нозик дилрабо ҳам қолмагай!

Беш кунлик умр вафоси афсонаю хаёлдир,  
Инсонга яхшилик қил, фурсат ганимат, эй ёр!

Чин киши кўзга чалинмас — олам ичра истама,  
Ўзга одам, янги олам қайтадан тузмोक керак!

